

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ЎРНИ

Исмоилова Мадина

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали Раҷамли иқтисодиёт йўналиши 3-бошқич талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада инвестиция ва инвестицион мұхит каби түшүнчаларга алоҳида ёндашилган. Бундан ташқари Ўзбекистонда раҷамли иқтисодиётдаги камчиликлар ва уларга ечимлар келтирилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестицион мұхит, раҷамли иқтисодиёт, раҷамли технологиялар, интеграция, электрон тўлов.

Ривожланиб бораётган мамлакат иқтисодиётини ривожланишига бир нечта омиллар таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг ривожланишининг асосий омили бу – инвестициялар деб қаралмоқда. Мамлакат иқтисодиётида инвестицияларнинг ҳажми ошиши билан иқтисодиёт ҳам ривожланиб боради. Инвестиция тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қўйидаги фикрларни билдириб ўтган: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги десак, муболаға бўлмайди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илфор тажрибалар, юксак малакали мутаҳассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади.”¹⁶

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам қулай инвестицион мұхитни шакллантиришга асосий урғу қаратилган:¹⁷

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик мұхитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувининг қатый олдини олиш;
- Инвестиция мұхитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига ҳорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри ҳорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган енг мухим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018-йил 28-декабр. <http://xs.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga> - мурозҳаатномаси

¹⁷ "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" тўғрисидаги Ўзбекистон Ресспубликаси Президенти Фармони. ПФ-4947. 2017-йил 7 - феврал. <https://lex.uz/docs/-3107036>

Юқоридаларни инобатга олиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида инвестициялар ҳажмини ошириш энг долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида қулай инвестицион мұхитни шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётида инвестицияларнинг ҳажми ошиб бормоқда.

1-илова¹⁸

	Investitsiyalar hajmi, mlrd. so‘m	O‘sish sur’ati, % da	O‘zbekiston Respublikasidagi ulushi, % da
O‘zbekiston Respublikasi	244962,6	105,2	100,0
Qoraqalpog‘iston Respublikasi	7879,1	102,1	3,2
viloyatlar:			
Andijon	12143,7	115,3	5,0
Buxoro	18995,6	136,4	7,8
Jizzax	13224,4	104,0	5,4
Qashqadaryo	16225,1	72,7	6,6
Navoiy	16309,1	93,4	6,7
Namangan	13302,4	102,9	5,4
Samarqand	17722,8	112,0	7,2
Surxondaryo	11326,5	103,2	4,6
Sirdaryo	8708,0	116,4	3,6
Toshkent	27822,4	119,1	11,4
Farg‘ona	12920,6	108,2	5,3
Xorazm	8580,3	144,2	3,5
Toshkent sh.	57611,3	104,0	23,5

Юқоридаги маълумотлардан кўриш мумкинки, Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицилар ошиб бораётталигини кузатиш мумкин. Лекин мамлакат иқтисодиётида инвестициялар ҳажмини ошириш энг долзарб масала ҳисобланади. Инвестициялар ҳажмини ошириш бевосита инвестицион мұхитга боғлик. Мамлакатда инвестицион мұхит қулай шаклланган бўлса, мамлакат иқтисодиётида инвестицияларнинг ҳажми ошиб боради.

Инвестицион мұхит тўғрисида бир қатор олимлар ўз фикрларини билдиришган. “Инвестиция мұхити – бу ҳорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир. Инвестиция мұхити комплекс, кўпқиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар, божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқароролиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга”.¹⁹

¹⁸ www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари.

¹⁹ Вахобов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўкув қўлланма. Т.: "Молия", 2010.

Инвестицион мұхитта бошқача қарашлар ҳам мавжуд. Улар қуйидаги:
“Инвестиция иқлими жуда кенг маңнода ишлатиладиган түшүнчә бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинадиган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу билан бир қатор ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта эътибор берилади”.

Қисқача қилиб айтганда, инвестиция мұхити инвестиция муносабатларини амалга ошириш мүмкін бўлган имкониятлар ва қулайликлар мажмусини ўзида акс эттиради. Бундан шу нарса келиб чиқадики, мамлакатда инвестиция мұхити қанчалик қулай ҳолда шаклланган бўлса, бу мамлакат иқтисодиётида инвестиция ҳажми ошиб боради. Мамлакат инвестицион мұхитта мамлакатдаги мавжуд рақамли иқтисодиёт даражаси ҳам катта таъсир кўрсатади. Рақамли иқтисодиёт бу инвесторларга қўшимча қулайлик яратиб беради. Рақамли иқтисодиёт ривожланган мамлакатларда иқтисодиётда инвестиция ҳажми ҳам баланд ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиёт – бу хўжалик фаолиятини юритиш бўлиб, бунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги асосий омил рақамлар кўринишидаги маълумотлар бўлиб, катта хажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва шу қайта ишлаш натижасини анализ қилиш ёрдамида ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, технологиялар, қурилмалар, сақлаш, маҳсулотларни етказиб беришда олдинги тизимдан самаралироқ ечимлар тадбиқ қилишдир. Бошқача қилиб айтганда, рақамли иқтисодиёт бу онлайн хизматлар кўрсатиш, электрон тўловлар амалга ошириш, интернет савдо, краудфандинг ва бошқа турдаги соҳаларни рақамли компьютер технологияларини ривожланиши билан боғланган фаолиятдир.

Бугунги кунда исталган мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши таъминлаш ва жаҳон майдонида рақобатдошлигини ошириш кўп жиҳатдан рақамли иқтисодиётнинг самарали шаклланиши ва ривожланишига бўғлиқ. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг барча моделлари учун умумий хусусиятлар ҳам бор. Булар – бу рақамли технологияларга инновациялар ва катта миқдордаги самояларни киритиш учун қулай шароитлар мавжудлигидир.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бевосита мамлакатда инвесторларга қўшимча қулайликлар яратиб беради. Бундан ташқари рақамли иқтисодиёт мамлакат инвестицион мұхитнинг шаклланишига ёрдам беради. Бу омилнинг камайиши бевосита мамлакатда инвестицион мұхитнинг шаклланишига олиб келади. Бундан келиб чиқадики, мамлакатда қулай инвестицион мұхитни шакллантиришнинг асосий бўғини рақамли иқтисодиёт ҳисобланади.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга доир олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатда рақамли иқтисодиёт даражаси ошиб бормоқда. Лекин соҳада ҳозирги кунда ҳам баъзи муаммо ва камчиликлар кўзга ташланмоқда. Бу муаммо камчиликларга қуйидагиларни киритиш мүмкин:

- Иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг рақамлаштириш юқори даражада эмаслиги яъни рақамли технологиялар билан таъминланмаганилиги;
- Соҳада юксак малакага эга, билим ва тажрибали мутахассисларнинг сони етарли даражада эмаслиги;
- Соҳадаги ишлар ҳақиқий аҳволининг таҳлили марказлашган маълумотлар тизимиға интеграцияни таъминлайдиган ягона ахборот-технологик платформанинг мавжуд эмаслиги натижасида жорий этилаётган дастурний ҳужжатлар тарқоқ эканлиги;
- Рақамли иқтисодиёни янада ивожлантириш учун инновацион ғоялар, технология ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субектларининг яқин ҳамкорликда ишлар олиб бормаётганлиги;
- ОТМ ларда иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган талабаларнинг соҳа бўйича компьютер дастурларини доир билимлари паст даражада эканлиги ёки бу компьютер дастурлар ОТМ ларда талим берилмаётганлиги;
- Интернет тезлигининг ҳамда сифатининг юқори даражада эмаслиги;
- Мактабларда компьютер технологияларидан фойдаланиш ва ўрганиш учун компьютер технологиялар сонинг етишмаслиги. Ёшларга болаликдан ахборот технологиялари билан таништириб бориш асосида келажакда соҳада етук мутахассисларни етиштириб чиқариш мумкин;
- Барча соҳаларда рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасида эмаслиги.

Санаб ўтилган соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳозирги кунда мамлакатда рақамли иқтисодиётни шакллантиришга тўсиқ бўлиб қолмоқда. Мавжуд муаммо ва качиликларни бартараф этиш асосида мамлакатда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш мумкин. Рақамли иқтисодиётни ривожланириши ўз-ўзидан мамлакатда қулай инвестицион мұхитнинг шаклланишининг асосий йўналиши ҳисобланади. Юқорида кўрсатилиб ўтилган муаммо ва камчиликларни бартарақ этишга қаратилган қўйидаги тақлифларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг рақамлаштириш юқори даражага кўтариш чора тадбирларини ишлаб чиқариш ҳамда амалиётда қўллаш, яъни иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини рақамли технологиялари билан таъминлаш;
- Ахборот технологиялари бўйича малакага эга, билим ва тажрибалари мутахассисларни тайёрлаш ҳамда соҳадаги ОТМ лар моддий техник базасини модернизация қилиш ва замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш;
- Соҳадаги ишлар ҳақиқий аҳволининг таҳлили марказлашган маълумотлар тизимиға интеграцияни таъминлайдиган ягона ахборот-технологик платформани яратиш ва натижада жорий этилаётган дастурний маҳсулотларни кўпайтириш;

- Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни амалиётга жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш;
- Интернет тезлигининг ҳамда сифатининг юқори даражасини ташкил этиш;
- Барча соҳаларда рақамли технологиилардан фойдаланиш даражасини юқори даражага шакллантириш.

Юқорида келтирилиб ўтилган таклифларни амалиётга тадбиқ этиш асосида мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга эришиш мумкин. Ҳулоса ўрнида айтиш мумкин-ки, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мамлакат инвестицион муҳитини шакллантиришнинг асосий йўналишиларидан бўлиб ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантиришнинг асоси инвестициялар ҳисобланади. Инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ҳажмини ошириш бевосита мамлакат инвестицион муҳитига боғлиқ ҳисобланади. Мамлакатда қанчалик қулай инвестицион муҳит шакллантирилга бўлса, инвестициялар ҳажми шунчалик кўпайиб боради. Замонавий иқтисодий тизимларда инвестицион муҳит бевосита рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига боғлиқ ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш асосида қулай муҳитни шакллантириш асосий йўналиш бўлиб ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган енг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018-йил 28-декабр. <http://xs.uz/uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga> - мурозҳаатномаси
2. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" тўғрисидаги Ўзбекистон Ресспубликаси Президенти Фармони. ПФ-4947. 2017-йил 7 - феврал. <https://lex.uz/docs/-3107036>
3. www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари.
4. Вахобов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Т.: "Молия", 2010.